O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил 25 июль ШАНБА

№ 59 (12.174)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz





# ДЕҲҚОН КЎНГЛИ ЯЙРАБ, ШАВҚҚА ТЎЛГАН КУН

**"...Ўзбекистонимизнинг ғалла мустақиллигига эришгани ва сўнгги йилларда юртимизда дон тайёрлаш ҳажми мунтазам ўсиб бораётгани, халқ хўжалиги ва аҳолимизнинг эҳтиёжларини тўлиқ таъминлаш билан бирга, етиштирган ғалламизни экспорт қилишга муваффақ бўлганлигимизнинг ўзи нафақат иқтисодий, керак бўлса, сиёсий-стратегик аҳамият касб этиб, кўнглимизни ифтихорга тўлдирмоқда ва эртанги кунга бўлган ишончимизга мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда..."**

Мустақилликнинг 18 йиллигига

Бу – мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида биринчи бор 6 миллион 610 минг тоннадан зиёд улкан ғалла хирмони бунёд этилгани муносабати билан давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ғаллакорларига йўллаган табригидан олинган сатрлар. Чиндан ҳам, бу йил ғаллакорларимизнинг азму шижоати, қатъияти ва иродаси билан эл-юртимиз хирмони ҳар қачонгидан ҳам юксак ва баракали бўлди. Бу йилги мўл ҳосилга осонлик билан эришилмагани, бинобарин, ғаллачиликда ҳосил тақдирини ҳал қилувчи куз, баҳор фаслларининг анчайин ноқулай келгани, табиатнинг кутилмаган нағмалари ботбот хуруж қилиб, деҳқонларимизни ҳар куни ҳар турли синовлардан ўтказиб турганини инобатга олсак, ишғол этилган марра нечоғлик юксак эканлигини ҳис этиш қийин эмас. Шу боис ҳам ғалласини саранжомлаб, бироз хотиржам бўлган юртимиз ғаллакорлари ўзлари эришган меҳнат муваффақиятларини зўр тантана билан нишонламоқдалар.

Хусусан, вилоятимиз туманларининг энг сўлим ва хушҳаво гўшаларида ташкил этилаётган байрам кечаларида ризқу насибамиз бунёдкорларининг машаққатли меҳнатлари шарафланмоқда, муносиб рағбат кўрмоқда. Уста деҳқонлар, фермерлар, механизаторлар, борингки, мавсумда алоҳида жонбозлик кўрсатган юртдошларимиз байрам дастурхонларининг азиз меҳмони бўлишмоқда. Эл назаридаги санъаткорлар, шоир ва ёзувчилар, сўз усталари улар хизматида бўлиб, кўнгилларга бир олам қувонч ва шодлик улашмоқдалар.

Ғаллакорларимиз шарафига вилоятимизнинг барча туманларида уюштирилган маданий-маърифий кечаларда иштирок этиб, мустақиллик барчамиз учун чинакам имконият, бахтли-саодатли, фаровон турмуш кафолати эканлигига, юртдошларимиз ўз меҳнатлари роҳатини кўриб, ҳар кунни шукроналик билан ўтказаётганликларига яна бир карра амин бўлдик.

Янгийўл туманидаги Ниёзбош қишлоғидаги кўркам боғларга туташ, сокин анҳор бўйидаги сўлим масканда бўлиб ўтган ана шундай кечада тумандаги деҳқон ва фермер хўжаликлари аъзолари, илғор ғаллакорлар, шоир ва ёзувчилар, таниқли санъаткорлар жамулжам бўлдилар.

– Юртбошимизнинг биз ғаллакорларга йўллаган табриги кўпгина ер эгалари қатори мени ҳам бениҳоя тўлқинлантириб юборди, – дейди Янгийўл туманидаги "Турсуной зиёси" фермер хўжалиги раҳбари Фахриддин Раҳматуллаев. – Айниқса, уларнинг ҳар доим бизга қарата айтадиган "Меҳнатларингизнинг роҳатини кўринг, қадрдонларим" деган сўзлари кишига қанчалик улуғвор куч-қудрат бахш этишини сўз билан таърифлаш қийин.

Тошкент туманининг Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган тадбир ҳам деҳқонларимиз ёдида узоқ сақланиб қолса ажабмас. Ғаллачиликда фаолият юритаётган 128 нафар фермерларнинг аксарияти туман хирмонига 60-65 центнердан дон тўкишга муваффақ бўлишди. Кечада ана шундай илғор ғаллакорлар меҳнати алоҳида рағбатлантирилди. Сўзга чиққанлар юртимизда аграр соҳада эришилаётган муваффақиятлар, фермерлар учун яратилаётган шарт-шароит, имтиёз ва қулайликлар хусусида тўхталдилар. Давра узра ҳазил-мутойиба, шўх-шодон тароналар янгради. Бободеҳқон меҳнатини мадҳ этувчи шеъру манзумалар дилрабо рақсларга уланди.

Қибрай туманидаги "Нуроний" оромгоҳи шундай кеча сабаб яна бир файзли тантананинг мезбони бўлди. Ҳайқириб оқаётган "Бўзсув" анҳори ёқасидаги сўлим истироҳат масканида тузалган тўкин дастурхон атрофига йиғилган мавсум илғорлари шу куни ажойиб байрам кечасининг гувоҳига айландилар.

– Туманимиз ғаллакорлари эл-юрт хирмонига 9 минг тонна сара дон етказиб бериб, мавсумни ёруғ юз билан якунладилар, – деди тадбирни очар экан туман ҳокими Ниғмат Муҳамедов. – Бу аввало, юртимизда ғалла мустақиллиги йўлидаги ислоҳотлар, қолаверса 280 дан зиёд ғаллакор фермерларимизнинг меҳнати, матонати самарасидир. Ботир Эсонов, Обидхўжа Султонов, Гўзал Шукурова, Шуҳрат Мираҳмедов каби ўнлаб фермерларимиз, Равшан Болтабоев, Ҳусниддин Гималитдинов, Файзулла Шерметов каби механизаторларимиз меҳнати ва жонбозлигини ҳар қанча эътироф этсак арзийди.

Худди шундай файзли кечалар вилоятнинг Оҳангарон, Бўка, Қуйичирчиқ, Оққўрғон, Ўртачирчиқ, Чиноз, Юқоричирчиқ, Зангиота, Пискент, Паркент, Бўстонлиқ туманларида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди. Мавсумда алоҳида ўрнак ва намуна кўрсатган фермер, ғаллакор, сувчи, механизатор ва ҳайдовчилар ҳокимликлар, дон маҳсулотлари корхоналари, ҳомий ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари билан мукофотландилар.

Тадбирларнинг бадиий қисмида Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, таниқли шоир ва ёзувчилар Шарифа Салимова, Ашурали Боймурод, Ҳабиб Темир, Шавкат Туроб, Темур Убайдулло, халқ артистлари Тўти Юсупова, Теша Мўминов, Марьям Ихтиёрова, Муножат Йўлчиева, республикада хизмат кўрсатган артистлар Мирзабек Холмедов, Ғиёс Бойтоев, Тошпўлат Маткаримов, Анвар Ғаниев ҳамда "Ниҳол" мукофотининг бир гуруҳ совриндорлари иштирок этишиб, ғаллакорлар кўнглини хушнуд этдилар.

Вилоятимиз ғаллакорлари меҳнат зафарига бағишланган асосий тантаналар эртага Бўстонлиқ туманидаги "Хонбалиқ" истироҳат масканида бўлиб ўтиши режалаштирилган.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.**









**СУРАТЛАРДА:** жойларда бўлиб ўтган тантанали кечалар ғаллакорлар ёдида узоқ сақланиб қолса ажабмас.

**Даврон АҲМАД ва Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

*Вилоят ҳокимлигида*

# УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАДА

**Вилоят фаолларининг 2009 йилнинг биринчи ярмида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, гуруҳ ва котибиятлар, бошқармалар, йирик корхоналар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари иштирок этишди.**

**Йиғилишни вилоят ҳокими Рустам Холматов бошқарди.**

Йиғилишда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 13 февралда бўлиб ўтган мажлисида белгилаб берган вазифалар ижросига қаратилди. Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этишнинг устувор вазифаларини амалга оширишни таъминлаш масалалари диққат марказида турди.

Биринчи ярим йиллик макроиқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, инвестиция дастурининг бажарилиши, тармоқларни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишни жадаллаштириш, савдо тизими ва истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган корхоналарда меъёрдан ортиқча қолдиқларга йўл қўймаслик чоралари, банд бўлмаган аҳолини меҳнатга жалб қилиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Вилоят шаҳар ва туманларида халқ хўжалигининг барча жабҳаларида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, иқтисодий ўсиш суръатларини юксалтириш, саноатни модернизациялаш ва янги қувватларни ишга тушириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган мақсадли дастурлар ижроси чуқур таҳлил қилинди. Таъкидланганидек, амалга оширилаётган барча чора-тадбирлар натижасида асосий микроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича ўсиш суръатлари таъминланди.

Чунончи, ялпи ҳудудий маҳсулот ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,9 фоиз ўсишига эришилди. Саноат, халқ истеъмоли ва қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти ҳажми жадал кўпайди. Капитал қўйилмалар ҳажми 187,6 фоиз ўсди. Барча турдаги хизмат кўрсатиш ҳажми кескин ошди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг улуши 38,2, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 34,1 фоизни ташкил этди. Вилоят тижорат банклари иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш учун 87 миллиард сўмлик кредит ажратди. Солиқ тушумлари ва бюджетга мажбурий тўловлар ҳажми башорат кўрсаткичларидан 2,2 миллиард сўм ортиқ бўлди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси 2009 йил 19 мартда қабул қилган вилоятни 2009-2010 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури изчил бажарилишига тўғоноқ бўлаётган ҳолатларни бартараф этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросига эътиборни кучайтириш, иқтисодиёт тармоқларини, уй-жой ва ижтимоий соҳа иншоотларини, ишлаб чиқариш корхоналарини куз-қиш мавсумига пухта тайёрлаш лозимлиги алоҳида қайд этилди. Ҳисобот даврида зарар кўриб ишлаётган корхоналар тўққизтага кўпайгани, бир қатор туманларда истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи жами 14 та корхона ўсиш суръатларини пасайтириб юборгани танқид қилинди.

Фаоллар йиғилиши барча камчиликларни бартараф этишга қаратилган қарорлар қабул қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Абдулла Орипов сўзга чиқди.

## ИЖОДКОР ПЕДАГОГЛАР ФЕСТИВАЛИ

**Вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида уюштирилган фестиваль ижодкор ўқитувчилар изланишларига бағишланди.**

2008-2009 ўқув йили якуни сарҳисоб қилинган тадбирда малака ошириш жараёнида педагогик билим ва ижодий маҳорат кўрсатган йигирмадан ортиқ иқтидорли ўқитувчилар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Акбар АЛИЕВ.**

**Мамлакатимизда миллий спорт турларини янада ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, машҳур полвонлар, спорт усталари хотирасини абадийлаштириш, улар эришган ютуқларни ёшлар ўртасида оммалаштириш ва рағбатлантириш ҳамда ўзининг энг навқирон даврини спортга бағишлаган фахрий полвонларнинг ҳаёт йўлидан ҳикоя қилиш мақсадида "Полвонлар Миллий Энциклопедияси" жамияти ташкил этилди.**

## СПОРТИМИЗ РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мазкур жамият фаолиятининг устувор йўналишлари мамлакатда якка кураш маркази ва федерациялари билан ҳамкорликда спорт усталари ва мураббийларининг республика ҳамда халқаро мусобақаларда эришган муваффақиятлари ҳақида маълумотлар тўплаб, чоп этиш, курашчилар малакасини ошириш, спортнинг бу йўналишини янги босқичга кўтаришга қаратилган.

Ўзбекистон миллий матбуот марказида "Полвонлар Миллий Энциклопедияси" жамияти тақдимотига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбир доирасида жамият раҳбарияти, мамлакатимиз спорти юлдузлари ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг очиқ ва самимий мулоқоти бўлиб ўтди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

**Ангрен шаҳар ҳокимлигининг вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлимлари билан ҳамкорликда Компьютер ва ахборот технологиялари коллежида уюштирган семинарда миллий ғоя тарғиботи самарадорлигини ошириш, ёшларнинг сиёсий ҳамда ҳуқуқий тушунчаларини кенгайтириш, уларни касбга йўналтириш, фойдали машғулотларга жалб этиш каби долзарб масалалар илгари сурилди.**

## ЁШЛАРНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁС

– Биз кучли жамият барпо этиш йўлидан бораяпмиз. Табиийки, бунда ёшлар олдинги ўринда бўлиши лозим, – дейди Ёшлар ижтимоий хизматлар марказининг "Оммавий ахборот воситалари" тўгараги раҳбари Фотима Зокирова. – Орамизда ишсиз, назоратсиз ёшлар, ўсмирлар бўлмаслиги керак. Ўтказилаётган тадбирлар ҳар қандай салбий ҳолатларнинг олдини олишга, ёшларнинг аниқ мақсад ва режалар сари интилишларига кўмаклашади. Тадбир сўнгида одам савдоси, диний экстремизм каби иллатларнинг олдини олишга қаратилган "Жаҳолат чангалида" номли видеофильм намойиш этилди ва мавзу доирасида ёшларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

*Қарор ва ижро*

# ЯНГИ ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР

**Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилда республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларига бағишланган мажлисида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳолини иш билан таъминлаш ва фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида алоҳида эътироф этилгани бежиз эмас.**

Кейинги йилларда тадбиркорлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш борасидаги меъёрлар мустаҳкамланди, тадбиркорлик субъектларининг хўжалик фаолиятига назорат қилувчи идораларнинг аралашувини кескин қисқартириш чоралари кўрилди. Қабул қилинган кафолат, имтиёз ва преференциялар кичик бизнеснинг жадал ривожланишига имконият яратди. Бунинг натижасида унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 33,8 фоиздан ҳозирги кунда 48,2 фоизга кўтарилди. Бугун иш билан банд аҳолининг 76 фоиздан кўпроғи мазкур соҳада меҳнат қилмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида кичик бизнес соҳасида 374 мингдан кўпроқ янги иш ўринлари яратилди.

Шундан келиб чиқиб, 2009 йилда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда. Тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш ҳамда ишбилармонларнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 15 май куни Президентимизнинг "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, тадбиркорлик субъектларига бир қанча қўшимча имтиёз ва кафолатлар берилди.

Чунончи, 1 июндан бошлаб уй-жой бинолари ва паспортлаштириш ҳамда баҳолаш бўйича кадастр ҳужжатларини ишлаб чиқиш, яшашга мўлжалланмаган бинолар ва иншоотлар кадастри учун бинони ўрганиш, баҳолаш ҳамда паспортини тузиш ишларининг тарифлари икки баробар, топография-геодезия ишлари комплексини бажариш ва кадастр хизматлари томонидан кўрсатиладиган бошқа турдаги хизматлар учун тарифлар 40 фоизга пасайтирилди.

Давоми 2-бетда.

